



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 8 февраль, шанба • №12 (11.503)

Эркин нарҳда сотилади

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

*Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларидан иборат уч босқичли ўзлуксиз тизим яратилгани, Президентимиз Фармонига биноан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани фикримизнинг далилидир.*

7 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, мазкур Кенгаш Раиси Ислоҳ Каримов бошқарди.

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди.

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлағановнинг ахбороти тингланди.

Бугунгача барча вилоятларда жамғарманинг минтақавий филиаллари ва уларнинг ҳомийлик кенгашлари тузилди. Эндиги асосий масала намунавий лойиҳалар асосида болалар учун мўлжалланган спорт иншоотлари қуришдан иборат. Жамғарма ҳисоб рақамига маблағлар келиб туша бошлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу масала юзасидан ўз фикрини билдирар экан, мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгани эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган катта ҳаракат-

дончалари ҳам замон талабига жавоб бермайди.

Мавжуд аҳволни чуқур ўрганиш, бошланғич синф ўқувчиларини спортнинг қайси турлари билан шуғуллантирганимиз маъқул, деган саволга жавоб топишимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари. Чунки бугун кўрилаётган масала шунчаки спортни ривожлантириш эмас, миллат келажиги, юртнинг эртаси билан бевосита боғлиқ. Болаларда жисмоний тарбияга меҳр, интилиш уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш ҳар биримизнинг қўндалик вазифамиз бўлиб қолиши керак. Мана шу жиҳатга эътибор қаратмай туриб, соғлом миллат, соғлом жамият ҳақида гапириш қийин.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган кўплаб коллеж ва лицейлар барпо этилди. Улар замонавий спорт мажмуғига эга. Ҳўш, катта маблағ эвазига бунёд этилган бундай масканлар рисоладагидек ишлаяптими? Ахир улар ҳўжақўрсинга қурилгани йўқ-ку. Ислоҳ Каримов қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болаларга ушбу мажмуғалардан фойдаланиш имкониятини яратиш зарурлигини ўқитди.

Навоий вилоятини чўл зонасида жўйлашган, сув танқис минтақалар сирасига киритамиз. Лекин мамлакат сув спорти захираси айнан ана шу вилоятда. Демак, астойдил ҳаракат қилиш ва интилиш орқали ҳар қандай маррани эгаллаш мумкин. Шу ўринда, Навоий кон-металлургия комбинатининг спортни ривож-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам - Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:*

1. 2003 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 11 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 11 февраль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 4 февраль.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ "Обод маҳалла йили" дастури тўғрисида

*Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат тўғрисидаги мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашни янада кўчайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:*

1. "Обод маҳалла йили" дастури тасдиқлансин. Мазкур дастур: маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий

ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга; маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини

(Давоми 2-бетда).

### ИНТЕРНЕТДА ЯНГИ САЙТ

*Интернет тармоғида "Ўзбек адабиёти" саҳифасининг очилиши ўзбек адабиётини дунё миқёсида тарғиб қилиш ва халқаро алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилувчи муҳим қадамлардан бўлди.*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мазкур саҳифанинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида яратилган мазкур саҳифада ўзбек адабиётининг энг қадимги даврига оид илк манбалардан, ҳозирги даврда яшаб ижод қиладиган атоқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ҳаёти, ижоди, тарихий аҳамиятга эга асарларидан намуналар киритилган. Шунингдек, ўнга яқин адабий газета ва журнал ҳақида маълумотлар бўлиб, улар ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган.

Ў.А.



СУРАТДА: кўрик-танлов ғолиблари хунарманд Абдунаби Абдуғаниев (чапдан), «Саладо» хусусий корхонаси раҳбари Назифа Аширматова ва фермер Зокир Алимбоевлар Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

### Bugungi sonda:

Шу кунларда мамлакатимизда ўзбек халқининг буюк сиймолари Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмлари нишонланади.

3-бет

### Ташаббус – 2003

## КўРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

*Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида келажакда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бўлиб қоладиган кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор йил сайин кўчайиб бормоқда, уларнинг халқ ҳўжалигидаги мавқеи эа мустаҳкамланаяпти.*

Бундай тадбиркорлик тузилмаларини барпо этиш, юритиш учун қулай шароитлар ва имкониятлар кенгайтирилмоқда. Шу кунларда шаҳар ва туманларда «Ташаббус – 2003» шиори остида ўтаётган кўрик-танловлар ҳам шундан далolat бермоқда. Яқинда Юқоричирчиқ туманида шундай тадбир ташкил этилди. Туманнинг маданият уйида

унга олдиндан қизгин ҳозирлик кўрилди. Тумандаги барча кичик ва ўрта корхоналар, фермерлар ва бадий хунармандчиликнинг турли соҳаларида халқимизнинг ўзига хос анъаналарини давом эттираётган кўли гул усталар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси очилди.

(Давоми 2-бетда).

Ийд Қурбон – Қурбон ҳайити ислом оламида энг табарруқ айёмлардан ҳисобланади. Она диёримиз – Ўзбекистондаги барча мўмин-мусулмонлар ана шу муборак кунларга етиб келганликларига шукроналар айтиб, байрам қиладилар.

8-бет



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
Қ А Р О Р И

## "Обод маҳалла йили" дастури тўғрисида

такмиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;

маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, унинг ҳудудларини ободонлаштиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштиришга;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;

кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан

(Давоми. Боши 1-бетда).

боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсинлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиласинлар.

3. "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминловчи

аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, "Обод маҳалла йили" дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чоракдан кейинги ойнинг 7-санасигача Республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этсин.

5. "Маҳалла" хайрия жамғармаси Республика Хотин-қиз-

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 7 февраль.

## ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

лантиришга қўшаётган катта ҳиссани айтиб ўтиш жоиз.

Ҳар қандай муаммага мантиқий нуқтаи назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг нозик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, ифбатли ва ибодат қизларимизга тўғри келавермайди. Қизларимизни спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишини истасак, иқлим шароитимизга ва менталитетимизга мос спорт кийимлари яратишимиз керак.

Спортчи қизларимизни шундай кийинтирайликки, уларни кўрган бошқа болаларда ҳам бундай бежирим кийимларни кийишга, спорт билан шуғулланишга иштиёқ туғилсин. Бу ҳусуда "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси мутасаддилари бош қотириши, ўз таклифларини бериши лозим.

Мустақиллик йилларида вояга етган ёшларнинг халқаро му-

(Давоми. Боши 1-бетда).

собақаларда эришаётган ютуқлари ҳаммамизни қувонтиради. Юртимиз фарзандларининг ўтган қисқа вақт ичида турли даражадаги беллашувларда голиблик шохсупасига кўтарилганидан фахрлансак арзийди. Шунинг учун болалар спортини ривожлантиришни катта спорт билан аралаштирмаслик лозим, деган гапга бу соҳага эътибор камайиши сифатида қараш ноўриндир. Катта спорт ўз йўлида давом этаверади. Халқаро мусобақаларга болалар спортини ривожлантириш орқали чиқсак, ҳам миллат соғлом бўлади, ҳам чемпионларимиз сони янада кўпаяди.

Ватанимиз обрўсини оширадиган, халқимиз қалбида ифтихор туйғусини ўстирадиган, дунёнинг энг машҳур спортчилари билан тенглашадиган ёшларимиз ҳақида гапирмоқдамиз. Халқимиз орасида юрт шухрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истевдод эгалари бисёр. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва

жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У орқали жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бир-бирининг ютуғидан қувониш орқали ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатлар айнан болаликда, спорт воситасида осон шаклланиши мумкинлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Болаларга ватанпарварлик, халқпарварлик ҳақида узундан-узоқ маъруза ўқигандан кўра, бу юксак туйғуларни жисмоний тарбия ва спорт орқали уларнинг қалбига синдириш кўпроқ наф келтиради.

Мактабларда ўтилаётган жисмоний тарбия дарсларининг савиясини ошириш ҳам долзарб масалалардан биридир. Давлатимиз раҳбари шу пайтгача жисмоний тарбия фани бўйича бирор дарслик, бирон қўлланма ёки суратли албомлар нашр этилмаганини қайд этди. Матбуот ва ахборот агентлигига тегишли вазирлик ва идоралар

билан ҳамкорликда ана шу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисида мактаб ва маҳалла алоқасини, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, оилавий мусобақалар ташкил этиш муҳимлигига эътибор қаратилди. Ота-она ҳеч бўлмаса шанба-якшанба кунлари ўз фарзандларини олиб стадионга борса, ўзи ёқтирган спорт билан шуғулланса, шу куни ўша оилага нур ёғилгандек бўлади, деди Ислоом Каримов. "Маҳалла" жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Наврўз байрамига бағишлаб спортчи оилалар мусобақаларини ташкил этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мажлисида жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ахборот берди.

Озод РАЖАБОВ,  
ЎЗА мухбири.

### Танлов

## «ЗИЁ» ГОЛИБ ЧИҚДИ

Бўка туманининг маданият саройида «Замона ёшлари» кўрик-танловининг навбатдаги ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Оққўрғон, Ўртачирчик, Қуйичирчик, Бўка, Бекобод туманлари ва Бекобод шаҳар коллежлари ва ўрта мактабларнинг голиб жамоалари иштирок этишди. Бўка агросервис коллежи талабаларининг «Зиё» жамоаси юқори билим, малака ва ижрочилик маҳоратини намойиш қилиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Бекобод шаҳридаги техника-иқтисодиёт коллежининг «Ўзбекистон ёшлари» жа-



моасига насиб этди. Бекобод туманидаги техника-иқтисодиёт коллежи билан Ўртачирчик туманидаги 26-мактаб ўқувчиларининг жамоалари учинчи ўринни бўлишиб олишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ташаббус –  
2003

## Кўрик-танлов Ғолиблари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрик-танловда ўз соҳасида етакчи бўлган ўттиздан ортик тадбиркорлик тузилмалари, кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хунармандлар белгиланган йўналишлар бўйича ўзаро беллашдилар. Улар хусусий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, унинг ишига омилкорлик билан раҳбарлик қилиш маҳорати, иқтисодий ислохотларга оид билимлари юзасидан голиблик учун курашдилар. Уларнинг аксарият кўпчилиги бу соҳаларда етарли кўникмаларга эга эканлигини намойиш этди.

Тадбиркорлик йўналиши бўйича биринчи ўрин «Саладо» хусусий корхона эгаси Абдунаби Аширматовга насиб этди, «Қоратухум» фермер хўжалиги раҳбари Зокир Алимбоев фермер хўжаликлари йўналишлари бўйича голиб бўлди. Хунармандчилик йўналишида «Бекашов-Д» хусусий корхона эгаси Абдунаби Абдуғаниев биринчи ўринни эгаллади. Зокир Алимбоев ва Абдунаби Абдуғаниевлар голиблик учун олган мукофотлар — 40 минг сўмлик гиламларни тумандаги 27-мактаб ва болалар боғчасига совға қилдилар.

Кўрик-танловда ўз йўналишлари бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни олган тадбиркорлик тузилмалари ҳам қимматли мукофотлар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.

## ОҲАНГАРОНДА ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ

Оҳангарон шаҳрида ҳам шундай анъанавий тадбир бўлиб ўтди.

Уни ташкил этишга шаҳар ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, қатор мутасадди ташкилотлар, банкларнинг шаҳар бўлимлари ҳомийлик қилдилар.

Кўрик-танловда йигирмадан ортик турли тадбиркорлик тузилмалари, хунармандлар қатнашдилар. Улар ўртасида қизгин бўлиб ўтган беллашувда тадбиркорлик йўналиши бўйича «Микрос» кичик корхонаси раҳбари Александр Зивнев голиб чиқди. Хунармандчилик йўналиши бўйича «Интилиш» фирмаси таъсисчиси Жавҳар Жонузоқова голиб деб топилди.

## МАҚСАД — ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ

Мамлакатимизда ислохотлар чуқурлашган сари сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов қайд этганларидай, мамлакатимизда сиёсий партиялар мўрт ва заиф аҳволда бўлиб келмоқдалар.

Бундай ҳолатдан чиқиш биринчи навбатда, ўзларига боғлиқ эканлигини тушунган вилоятдаги Ўзбекистон ХДП ташкилотлари уни бартараф қилишнинг чораларини излаб, тегишли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Чунончи, куни кеча Чирчиқ шаҳар партия кенгашида шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д. Азизхўжаев бошчилигида «Партия парламентчилик фаолияти ва уни такомиллаштириш шакл ва услублари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бўстонлик туман партия кенгашида эса, туман партия кенгаши биринчи котиби Р. Махаматов бошчилигида «Мамлакат парламенти икки палатали тизимга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари вазибалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда ХДПдан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлар, партия фаоллари қатнашдилар.



# Сўз мулкининг сўлтонлари

## «МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ» АСАРИНИ ЁЗИШДАГИ КАЙФИЯТ

Маълумки, «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси») номли насрий асар улуғ Навоийнинг ўлимидан икки-уч ой аввал (1500 йилнинг охирида) ёзиб тугатган сўнги фалсафий-маърифий ёдгорлиги саналади. Унда шоирнинг қирқ беш йиллар мобайнида ҳаёт ва унинг мураккаб сўқмоқларида инсон қисматининг товлала-

## Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллигига

нишлари, ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабатлар хилма-хиллиги ҳамда одамийлик ҳислатлари ҳақидаги хулосалари битилган.

Уч қисмдан ташкил топган бу асар руҳидан бетоб ва сарой аҳлининг субтисизлигидан зада бўлган шоирнинг кайфияти ёрқин англашилиб туради. Унинг дoston ва насрий асарларидан фарқли ўларoқ «Маҳбуб ул-қулуб»да фикрий кескинлик, категориал ҳукм устуворлигига, жамиятдан безган, унда ўз орзу-умидларини топмаган мутафаккирнинг кечинмаларига гувоҳ бўламиз. Жумладан, биринчи қисмининг йигирма иккинчи фаслида ёзилган мунажжимлар тўғрисидаги фикрларга тўхталиб ўтайлик.

«Сайёра ва юлдузларни кузатиб, ҳукм чиқарадиган мунажжимлар нукталарни ҳисоблаб, лоф урадиган фолбинга ўшайди. Унинг ўлчов жадвали — бўлмаган нарса. Тушунтиришлари ва осмон жисмлари ҳаракатига оид гапларининг ҳаммаси хато. Устурлоби (куёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб) узоқроққа улоқтирилиши керак. Ойни кузатувчи анжомлари бутунлай бефойда, натижа бермайдигандир. Бу асбоб-анжомларга асосланиб сўз юритувчи мунажжимлар Ҳақнинг қазо ва тақдир ҳақидаги сўзини унутган гофилдир». (Иноят Маҳсумов насрий баёни).

Бу сўзларни ўқиган кишида бир қарашда Навоийнинг Улуғбек яратган «Зижи Кўрагоний» асаридан, унда берилган ўлчов жадвалларидан хабари бўлмаганми ёки 1466-1468 йилларида Самарқандда юганида расадхонани, ундаги устурлобни кўриб, илмий аҳамиятини тушунмагани, деган савол туғилиши табиий. Йигирма беш-йигирма олти яшар Низомиддин Алишер Самарқандга келиб, устози Ҳожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайс мадрасасида таълим олар экан, ярим чақирим наридаги Улуғбек расадхонасига чиқмаслиги мумкин эмас. Самарқанд фалакиёт мактабининг ҳайратомуз ютуқларидан илҳомлангани учун бўлса керак, кейинчалик 1483 йилда «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай ёзади:

*Билиб бу навъ илми осмоний,  
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».  
Қиёматга декинча аҳли айём,  
Ёзалар онинг аҳкомидин аҳком.*

Осмон илмининг буюк тадқиқотчиси шарафига билдирилган сатрларни қарангу «Маҳбуб ул-қулуб» асариде мунажжимлар меҳнатининг беҳудалиги ҳақида айтилган хулосага эътибор беринг.

Еҳуд, яна бир мисол. Навоий 1491 йили ёзиб тугатган «Маҷолис ун-нафос» асариде ҳам Мирзо Улуғбек илмини улуғлайди: «Улуғбек Мирзо донишманд подшоҳ эрди. Камолати бағоят кўп эрди. Етти кироат бирла Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат (астрономия илми) ва риёзиётни (математикани) хуб булур эрди. Андоқким зиж битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зиж арода шоёёрдур».

Улуғбекнинг олимлик истеъдоди ва у тузган «Зижи»нинг оламшумул аҳамиятини фахр билан таъкидлаган Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг «Мунажжимлар тўғрисида» деган юқоридаги фаслида фикрини қуйидагича давом эттиради: «Бу мунажжимлар шундай кишиларки, қўлида битта анор бўлса, унинг пўсти ичида нечта парда, нечта хона бор ва ҳар парда ва хонада нечта анор донаси борлигини бил-

майдилар: у доналар аччиқлиги, нордонлиги, чучуқлиги эканини айта олмайдилар.

**Байт:**  
*Эмас афлоку анжум ҳоли бенафгу зарар, лекин  
Ани Тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин».*

Нега бундай? Нега Улуғбек ва унинг шоғирдлари меҳнатига 1483 йилда ва 1491 йилда ёзган асарларида таҳсин айтган Навоий қарийб йигирма йилдан сўнг ёзилган «Маҳбуб ул-қулуб»да мунажжимлар тўғрисида бунчалик кескин фикрларни баён этган? Улуғбек мунажжим эмас-ку, демоқчимсиз. Йўқ, ундай эмас. Мирзо Улуғбек ёзган «Зижи Кўрагоний» асари тўрт қисмдан ташкил топган бўлса, унинг икки бобдан иборат «Юлдузларнинг доимий ҳаракати» деб номланган тўртинчи қисми айнан илму нуҷумга бағишлангандир. Демак, Навоийнинг мунажжимлар тўғрисидаги салбий фикрлари Мирзо Улуғбекка, унинг устози Қозизода Румийга, шоғирдлари Гиёсуддин ал-Қоший ва Алоуддин Муҳаммад Али Қушчиға тегишли бўлиб чиқади. Яна ўша савол мияда чарх ураверади. Улуғ шоир нега бундай қилган?

Бизнингча, жавобни Навоий ҳаётининг сўнги йилларидаги руҳий кечинма ва изтироблари сабабидан қидирмоқ керак. Маълумки, Алишер Навоий 1487 йилда ўзининг розилигисиз Ҳусайн Бойқаро фармони билан чекка Астробод вилоятига ҳоким этиб тайинланади. Натижада пайт пойлаб юрган Ҳожа Маждиддин Муҳаммад унинг дўстлари бўлган вазирилар Ҳожа Афзалиддин ва Ҳожа Низомулмулкни четлаштириб, Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг ишончли вазири мартабасига эришади. У Навоийга яқин бўлган бошқа амалдорларни ҳам зиндонбанд қилиб, мулкни тортиб олади. Бу ҳол Навоийнинг Хиротдалигидаги адолатпешалигидан баҳра олган кишиларни саросимага солди, унинг ўзини оғир ўйга толдирди. Бунинг устига 1492 йилда бир туғишган укаси — Балх ҳокими Дарвеш Али Ҳусайн Бойқарога қарши чиқди. Ўша йили устози Абдурахмон Жомийнинг вафот этиши эса уни янада оғир қайғуга солди. Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши (1497 йилда) ва ўғай укаси Ҳайдарнинг давлатга қарши қўпоровчиликда айбланиб, Султон томонидан қатл этилиши (1499 йилда) темирйилар пойтахти бўлиб келган Самарқанднинг Шайбонийхон томонидан тортиб олиниши (1500 йилда), дўсти Ҳусайн Бойқаронинг давлатни бошқаролмай қолиши воқеалари мутафаккир Навоийнинг адолатли шоҳ ва эркин жамият ҳақидаги орзуларини йўққа чиқарди.

Шоир ҳаётининг сўнги йил ва ойларида ан мана шу руҳий ҳолат унинг ёзилажак асарларида акс этмасдан қолмади. Жумладан, 1499 йилда ёзилган «Лисон ут-тайр» асаридан «Инсон ўз ҳаётига оид ҳамма муаммоларни шоҳ ёки амалдорлардан умид қилмай, ўзи ҳал этиши зарур ва бунга қодир» деган хулоса келиб чиқса, сўнги — «Маҳбуб ул-қулуб» асариде «Аслида вақт эмас, бизлар ўтамиз. Абодият олдида инсон умри ҳеч нарса. Фақат эзгу амал абадиятга дохил» деган гоёни илгари суради.

Биз бугун беш юз йил берида туриб, буюк аждодимиз номини хотирлар эканмиз, унинг асарларини ўша давр мураккабликлари билан омухта ҳолда чуқур англашга, сатрлар қатида яширинган маънони тўғри талқин қилишга интиломимиз лозим. Зеро, Навоий ижодиёти ҳали яна кўп авлодларга мулоҳаза учун мавзу беришга қодир.

**Исомиддин ЁРМАТОВ,**  
профессор.



## «УЛ ОЙГА СЎЗНИНГ АСЛИДИН ХАБАР ҚИЛ»

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърий мероси орасида ўн олти байтдан иборат шеърий маснавийси шоир руҳий ҳолати, унинг ички кечинмаларининг ифода этилиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга молик. Аслида мумтоз адабиётимизда маснавий жанрида шоирлар катта ҳажмдаги шеърий асарлар, дostonлар ва турли мавзулар (фикх, фалсафий, тасаввуф)га оид асарлар яратиб келганлар. Бироқ, Бобурнинг бу асари шоир ички кечинмаларини жуда моҳирлик билан ифода этган сатрлар сирасига қиради. Маснавий шу жиҳатдан диққатга лойиқки, унда шоир машуқаси билан сўзлашиши табиатнинг бир воситаси — сабо орқали амалга оширишга ҳаракат қилади.

*Саломим еткур ул оромии жонга,*

*Яна мундоқ дегил ул дилситонга...*

Ана шу сатрлардан сўнг Бобурнинг ички олами ошиқ мисолида очила боради. У сабо билан сўзлашар экан, кўз ўнгимизда фақатгина бешафқат ёр эмас, балки ёр бемуруватлигидан қаттиқ руҳий азобда қолган, бу жумбоқни қандай ҳал қилишни билмаган шахс сиймоси гавдаланади.

Машуқа ошиқни ўзига шайдо этган, унинг кўнглига йўл топган, бироқ ишқ ошиқ қалбида маскан топа борган сари машуқа ёридан узоқлашиб, уни қийноқ азобиға қолдирган. Ошиқнинг руҳий ҳолати шу даражада оғирки, у ички туғёнини бировга айта олмас, айтишдан тортилади ва фақат сабо — шамол билан сирлашиб, ёрининг бемуруватлигидан унга ҳасрат қилиб, ундан наҳот кутад:

*Дегил дилдорлик мундоқ бўлурму?*

*Тарийқи ёрлик мундоқ бўлурму?*

*Сени мундоқ тасавур қилмас эрдим,*

*Бу янглиг раҳмсиз ҳам билмас эрдим.*

Маснавий давомида лирик ошиқ ўзининг ички оламини ёрининг бевафоллигини билдириш асосида ёрқин ёрита боради. Ҳар бир сатр ўқувчини ошиқнинг руҳий қийноқлари оламига олиб қиради. Энг муҳими, Бобур лирик қаҳрамони дунёсини ўта ҳаётий, содда, аммо раvon, шахс ҳолатининг кундалик турмушда содир бўладиган сахнасини реал ифодалаб беради. Унинг:

*Сўзингким Хизр суйидин нишондур,*

*Вале ул сув киби мендин нишондур.*

мисрасига алоҳида эътиборни қаратмоқчимиз. Бунда шоир ташбех ва истиора сўз санъатидан моҳирона фойдаланиб, машуқага юқори баҳо беради.

Бобур жуда катта санъаткорлик билан ёрининг шафқатсизлиги ё жамолини кўрсатиб, ўзи ниҳон қолишини тасвирлаган. Албатта, бунда тасаввуфий гоё — Аллоҳ жамолининг яширинганлиги ҳақида ҳам сўз борган бўлиши мумкин.

Бобур маснавийда секин-асталик билан фалсафий, тасаввуфий қарашлардан реал ҳаётга — ҳаётда содир бўладиган ишқий муносабатлар ва ўйинларга кўчарди. Энди маснавий сатрларида севишганларнинг орасида бўлиб ўтган кундалик араз-қудуратлар, арзимас бир оғиз сўз учун гинахонлик қилиш одоб ва инсофдан эмаслиги ҳақида гап боради. Бобур қаламни мансуб бу маснавийни мутолаа қилар эканмиз, гўё ички туғён, севган ёрга илтижо бундан тўрт-беш аср олдин эмас, балки бизнинг кунларимизда содир бўлгандек, гўё бугунги ўқувчининг ички дунёсини баён этаётгандек туюлади, кишига.

*Бировнингким бировдин кўнгли қолур,*

*Киши юз сўз бирла кўнглун олур.*

*Ажабким мендин эй дилдор туйдунг,*

*Менинг кўнглумни бир сўз бирла қуйдунг.*

Маснавийдаги ана шу сатрлардан ке-

йин мумтоз адабиётимиздаги бошқа насрий асарларда кўзга ташланмайдиган жиҳатга дуч келамиз. Шоир назарида ёрга бунчалик илтижо этиб, сўзамоллик қилиб, бош эгишнинг фойдаси йўқ. «Узатма мунча ҳам Бобур сўзингни» деган шоир ҳамма вақт ҳам мақсадга эришиш учун сўз қудратининг кучи етарли эмас, де-

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига

моқчи бўлади. Аслида лирик қаҳрамоннинг ўз машуқасига айтадиган жуда кўп гаплари, ички ҳасратлари ва қувонч сўзлари бор. Аммо Бобурнинг фикрича, киши ўз ташвишини бировга билдирадиган бўлса, қисқа, аниқ, бошқача қилиб айтганда мақсадининг пўст-қалласини билдиргани маъқул. Шоирнинг бу фикри унинг шоҳ асари «Бобурнома»даги услуб — қисқабаёнлик ва имкон қадар ҳаётни реал ифодалашга чақирганини эслатади. Бу факт яна бир қарра ижодкор адабиётнинг қайси жанри, турида қалам тебратмасин, ўзининг услуби, адабиётга бўлган муносабатини ўзгартирмаслиги, услуб ижодий жараённинг асосини бардавом эгаллаб туришини яна бир қарра кўрсатиб беради:

*Агарчи кўп сўзинг бор мухтасар қил,*

*Ул ойга сўзинг аслидин хабар қил.*

Бобурнинг образ яратиш, кишининг ички кечинмаларини очиб бериш, умуман киши руҳиятини аъло даражада билишга маснавийнинг келгуси сатрлари гувоҳлик беради. Ҳозиргина жуда юксак гурур, ошиқлик шаънини шахс юксаклигига қўтарган шоир характерида беҳосдан фикрий ўзгариш содир бўлади. У яна машуқасига муурожаат этади. Энди бу ошиқ ёрини бевафолликда айбламайди. Унинг узоқ муддат кўрмаслигидан нолимайди, балки уни энг зарур бўлган сўзни айтмагани, ана шу қисқагина сўзда ошиқ тақдирини ҳал қилувчи, унинг жонига оро кирувчи ҳақиқий Масихонафас ёрининг қудрати борлигини билдиради. Лекин, нима қилсинки, машуқа камгап, ҳаммаша ҳам ўзининг ички оламини ҳувайдо этадиган одайти йўқ. Бироқ, бечора ошиқ нима қилсинки, ёрининг худди шу одати уни қонига ташна этган, ички оламини биллолмай жимлик оламига асир этган.

*Гар ул сўзким ёшурдин айтмассен,*

*Бу янглиг одатиндин қайтмассен,*

*Сени севмаслигингни жазм этармен,*

*Бош олиб ўзга сори кетармен.*

Барибир, ана шу сўзларни айта олган ошиқ машуқасидан кўнглини узишга ҳоли йўқ. У бутун вужудин билан ёрини севар экан, агарчи унга илтижолар қилишни юқорида ўз иззат-нафсига нолойиқ билар экан, ҳамон ёрининг муруватига ишонади, яна унга илтижонамо сўзлар айтиб, имкон қадар зудлик билан меҳр жавобини юборишини истаиди ва мабодо бу хабар етмаса, «Бу хатдин ортуқ эрур печу тобим» деб, ўзининг мушкул руҳий ҳолатда қолишини, бундай қийноқлар уни ҳолдан тойдириб, нобуд этишини билдириб, машуқаси қалбида шафқат уругини сепишга ҳаракат қилади.

Бобурнинг ушбу маснавийси яна бир қарра бизга шоирнинг ҳаётга жуда меҳр билан қараганлиги, уни жон-дилидан севганлиги, ҳатто маснавий каби кичик жанрда ҳам ҳаётга бўлган муҳаббатини ёр ишқи воситасида жуда жонли, ҳаётий ва руҳий ҳолат тасвирлари орқали ифодалаб бериш мумкин эканлигини исботлаб бера олган.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**  
филология фанлари доктори.



## Dushanba

10

## «Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!  
Профилактика муносабати билан душанба 10 февраль кuni «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».  
15.45 «Тўртинчи ҳокимият».  
16.05 «Камилла». Телесериал.  
16.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
16.55 «Наво толди Навой».  
17.55 ТВ маркет.  
18.00 Янгилликлар  
18.10 Болалар учун.  
«Санъат гунчалари».  
18.30 «Мулкдор».

18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.  
19.15 Бир жуфт кўшиқ.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили.  
«Кўпчилик қаторида».  
21.30 «Тупроққа таъзим». Х. Шарипов.  
22.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Камилла». Телесериал.  
22.40 «Олтин мерос».  
22.50 «Ахборот-дайжест».  
23.10-23.15 Ватан

тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 Янги авлод студияси: «Келинг танишайлик».  
10.25 Уйна, болажон, уйна.  
10.40 Саломатлик сирлари.  
11.00 ТВ-анонс.  
11.05 «Давр» ҳафта ичида.  
11.35 Мусикий лаҳзалар.  
11.45 Жаҳон жуғрофияси.  
12.35 Давр-news.  
12.55 Болалар экрани: «Фантадром».  
13.25 Дунё ажойиботлари.  
13.45 «Табиб». Бадийий фильм. 1-қисм.  
14.50 Спорт ҳафтано-маси.  
15.05 «Табиб». Бадийий фильм. 2-қисм.  
16.10 Фазал соғинчи

Алишер Навой.  
16.30 Кўрсатувлар дастури.  
16.35 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.  
17.05 ТВ-анонс.  
17.10 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 1-қисм.  
18.00 Ёшлар овози.  
18.20 Кўхна оҳанглар.  
18.30 Соғлом она – соғлом бола. 1-кўрсатув.  
18.50 ТВ-анонс.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Эрта сўнган юлдузлар.  
20.00 Ёшлик кўшиқла-ри.  
20.15, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.20 «Олис осмон». Видеофильм.  
21.30 Кўшлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат

қавҳаси». Телесери-ал.  
23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида – 23.55 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал. «23,5 даражали бурчак остида». 76-қисм.  
17.45, 19.05, 21.55 «Экспресс» телегазе-таси.  
18.05 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Спорт ва болалар».  
19.25 «Халқ саломат-лиги йўлида».  
19.45 «Жозиба».  
20.30 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».  
21.35 «Сополда акс

этанг дунё». Хужжат-ли фильм. «Ўзбектеле-фильм».  
22.15 «Пойтахт шархи».  
22.40 Кинонигоҳ.  
«Осмондан тушган фаришталар».  
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Хинд оҳангла-таси».  
17.15 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.  
18.00 «Евроњьюс» янгилликлари.  
18.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.  
19.00 «Мени кутгил».  
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.  
21.00 «Время»

21.40 «Сўнги қахра-мон-3».  
22.40 «Бизнес – ревью».  
22.45 «Тристан ва Изольда». Сериал.  
0.15 «Ахборот» (рус тилида)  
0.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55гача профилактика ишлари.  
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшо-ми: «Индамас ёввойи-лар». 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Тоғлик – ўлмас қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетаб-риқнома. 21.20 «Хайр-ли тун, кичкинтой-лар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Эълон бўйича танишиш». 23.15 «30-канал»да спорт.

## Seshanba

11

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар  
10.05 «Кўпчилик қаторида».  
10.30 «Шум бола». Бадийий фильм.  
12.05 «Тупроққа таъзим». Х. Шарипов.  
12.40 «Талабалик йилларим».  
13.00 С. Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». Спек-такль. 1-қисм.  
14.10 «Муносабат».  
14.45 «Фармонбиби

аразлади». Спектакл-нинг давоми. 2-қисм.  
15.45 «Обод уйда пок одамлар яшайди».  
16.05 «Камилла». Телесериал.  
16.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Сехрли оҳу». Мультфильм.  
18.30 «Баркамол авлод орзуси».  
18.50 «Тафсилот».  
19.10 Мумтоз наво-лар.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълон-лар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 FCN «Ўзбеки-стон янгилликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.  
21.30 «Олам футбо-

ли».  
21.55 «Тоғлик куёв». Бадийий фильм. 1-2 қисмлар.  
23.25 «Ахборот-дайжест».  
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.  
9.45 «Мульттомоша».  
10.00 Кўхна оҳанглар.  
10.10 ТВ-анонс.  
10.15 Кинотақдим.  
10.35 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 1-қисм.  
11.25 Ёшлар овози.  
11.45 «Олис осмон». Видеофильм.  
12.50 Интерфутбол.  
14.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадийий фильм.  
15.50 Кўрсатувлар дастури.  
15.55 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Кўшиқ бизларга ҳамроҳ».

16.25 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 2-қисм.  
17.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
17.30 Минг бир маслаҳат.  
17.50 Ёшлар овози.  
18.10 Соғлом она – соғлом бола. 2-кўрсатув.  
18.30 Автопатруль.  
18.50 ТВ-анонс.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ҳандалак – плюс.  
19.45 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.05 Давр-интервью.  
20.20, 21.30, 22.35 Эълонлар  
20.25 «Ёшлар» телека-налида премьераси: «Тақдир йўллари». Телевизион бадийий фильм. 1-қисм («Ўзбектелефильм»)  
21.35 Ҳандалак – плюс.  
21.40 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесери-ал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: «Нокаут».  
23.35 Давр.  
23.50-23.55 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал. «23,5 даражали бурчак остида». 77-қисм.  
17.45, 19.00, 21.50 «Экспресс» телегазе-таси.  
18.05 Болажонлар экрани.  
18.20 «Санъат сарҳад билмас».  
18.30, 20.00, 21.00, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Мусикий танаффус».  
19.20 «Химоя».  
19.35 «Мумтоз наво-лар». Исмоилхон ва Махаммадхон Ҳота-мовлар.  
20.30 «Биринчи бўса». Қисқа метражли бадийий фильм.  
21.20 «Туризм ҳақида».

22.35 Кинонигоҳ. «Ер-ёр».  
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Мультсеанс».  
17.15 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.  
18.00 «Евроњьюс» янгилликлари.  
18.25 «Машхурлар». Тамара Глоба.  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».  
Сериал.  
20.00 «Заиф бўгин». Телеуйин.  
21.00 «Время».  
21.40 «Бизнес-ревью».  
21.45 «Муз zone».  
22.00 «Витас ижроси-даги концерт дасту-ри».  
22.50 FCN Ўзбекистон янгилликлари (инглиз тилида)  
23.00 Кинематограф. «Хаёт сурури». Бадийий фильм.

0.35 «Ахборот» (рус тилида)  
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 Дам олиш дастури. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Қора учбур-чак». 1-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-ка-нал» кинооқшоми: «Хар бир аёлнинг ор-зуси». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Тоғлик – ўлмас қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетаб-риқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Қонун устидан». 23.15 Спорт дастури.

## Сhorshanba

12

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
9.00 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Қошона».  
9.40 «Соғлом она – соғлом бола».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар  
10.05 «Олам футбо-ли».  
10.30 «Еттинчи жин». Бадийий фильм.  
11.30 «Тафсилот».  
11.50 Мусикий танаффус.  
12.05 «Рангин дунё».  
12.25 «Тарона» фольклор-этногра-фик ансамблининг концерти.  
12.40 «Яхшилик».  
Телешоу.  
13.10 «КиноТеатр».  
13.30 Волейбол

бўйича Ўзбекистон чемпионати. Супер лига.  
14.10 «Баркамол авлод орзуси».  
14.30 «Остонаси тиллодан».  
14.55 ТВ анонс.  
15.00 «Тўйлар мубо-рак». Бадийий фильм.  
16.05 «Ягона оилада».  
«Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Кизикарли учрашувлар».  
17.40 «Ишонч».  
18.10 «Хунарманд».  
18.30 «Умид». Телело-терея.  
19.00 «Истеъмолчи».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.45 Эълон-лар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Тараққиёт уфклари».  
21.25 «Бир жуфт

кўшиқ».  
21.35 «Олтин бешик».  
22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камилла». Телесериал.  
22.30 «Юрт ўғлонла-ри». Спорт дастури.  
22.50 «Ахборот-дайжест».  
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Кўшиқ бизларга ҳамроҳ».  
9.45 «Мульттомоша».  
10.00 Давр-интервью.  
10.15 Мусикий лаҳза-лар.  
10.25 ТВ-анонс.  
10.30 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 2-қисм.  
11.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
11.35 «2000 йилдан сўнг». Сериал.  
11.55 Ёшлар овози.  
12.15 Болалар экрани: «Фаррух ва Зумрад».

Мультфильм.  
12.30 Эрта сўнган юлдузлар.  
12.50 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1. «Нокаут» 2. Теннис.  
13.55 «Олтин балиқ-ча». Видеофильм. 1-, 2-қисмлар.  
14.35 Автопатруль.  
14.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
15.45 Кўрсатувлар дастури.  
15.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Хамма нарсани билишни истайман».  
16.20 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 3-қисм.  
17.10 Ёшлар овози.  
17.30 Чемпион сирла-ри.  
17.50 Кўхна оҳанглар.  
18.00 Кафолат.  
18.20 Ракурс.  
18.40 Каталог.  
18.50 ТВ-анонс.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Очил дастурхон.  
20.00 Спортлото.  
20.10 «Ер ишқи». Мусикий дастур.  
20.30, 21.40, 22.35

Эълонлар  
20.35 «Тақдир йўлла-ри». Телевизион бадийий фильм. 2-қисм.  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесери-ал.  
23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида – 23.55 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 78-қисм.  
17.45, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазе-таси.  
18.05 «Мусикий меҳмонхона».  
18.30, 20.00, 21.15, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Ҳамшаҳарлар».  
19.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар»

телеклуби.  
19.50 Мусикий лаҳза-лар.  
20.30 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».  
21.35 «Долзарб мавзу».  
22.40 Кинонигоҳ.  
«Фландрия ити».  
0.10-0.15 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Дунёнинг янги мўъжизалари».  
17.20 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.  
18.05 «Евроњьюс» янгилликлари.  
18.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».  
Сериал.  
20.00 «Рус рулеткаси».  
21.00 «Время».  
21.40 «Бизнес-ревью».  
21.45 «Тристан ва Изольда». Сериал.  
23.15 «Ахборот» (рус

тилида)  
23.50 Кинематограф. «Флинстоунлар». Бадийий фильм.  
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «30» да спорт. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Қора учбурчак». 2-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшо-ми: «Ҳошига кўра». 19.30 «Ошиқона». Му-сикий дастур. 19.45 «Тоғлик – ўлмас қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетаб-риқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Америкача ўғирлиқ». 23.15 Спорт дастури.

## Payshanba

13

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шархи.  
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Кизикарли учрашувлар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар

10.05 «Алифбо сабоқ-лари».  
10.20 «Ўғирланган». Бадийий фильм.  
12.05 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Супер лига.  
12.35 «Кизил гул». Мультфильм.  
13.15 «Тараққиёт уфклари».  
13.35 «Олтин бешик».  
14.10 Кундузги сеанс: «Катта бўлишни хоҳламайман».

Бадийий фильм.  
15.20 «Яхшилар ёди».  
15.40 «Мусиқа ва театр».  
16.00 «Камилла». Телесериал.  
16.30 «Шаҳ ва жамият».  
«Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.  
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.  
19.00 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълон-лар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртакла-ри.  
20.15 FCN «Ўзбеки-стон янгилликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Телемулоқот: Хусусийлаштириш: кеча ва бугун.  
21.45 Бир жуфт кўшиқ.  
22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камилла». Телесериал.  
22.30 «Спорт, спорт,

спорт».  
22.45 «Ноёб тур». Бадийий фильм.  
0.00 «Ахборот-дай-жест».  
0.20-0.25 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Хамма нарсани билишни истайман».  
9.45 «Мульттомоша».  
10.00 Тафаккур ёлқинлари.

10.15 Мирзо Бобур газаллари билан айтилаётган кўшиқ-лар.  
10.30 ТВ-анонс.  
10.35 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 3-қисм.  
11.25 Спорт-китъаси (рус тилида)  
11.55 Чемпион сирла-ри (рус тилида)  
12.15 Болалар экрани. Мультфильм.  
12.40 Ёшлар овози.  
13.00 Интерфутбол.  
14.40 Ракурс.  
15.00 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

15.50 Кўрсатувлар дастури.  
15.55 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
16.20 ТВ-анонс.  
16.25 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 4-қисм.  
17.15 Ёшлар овози.  
17.35 Оғоҳ.  
17.50 Озод юрт фарзандлари.  
18.10 Барҳаёт Бобур.  
18.30 Табоаб оламида.  
18.50 ТВ-анонс.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.



19.40 «Coscom» хабарлари.  
19.45 Севги тароналари.  
20.00 Давр-интервью.  
20.15 Одамлар орасида.  
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.40 «Мерлин». Бадий фильм. 1-қисм.  
21.30 Мезон.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида – 23.55 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 79-қисм.  
17.45, 19.05, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экранлари.  
18.15 «Билим» телеклуби.  
18.30, 20.00, 21.15, 22.45 «Пойтахт».  
18.50 «Навхихол».  
19.25 «Ханда дўкони».  
19.50 «ТТВда мусиқа».  
20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл».  
21.35 «Дорихона эшитиди». Бевосита мулоқот.  
23.10 Кинонигоҳ.  
«Аманда».  
0.40-0.45 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканал**  
Биринчи канал 7.30-9.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Хазиналар уммони».  
17.15 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.  
18.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.

19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
20.00 «Заиф бўғин». Телеуини.  
21.00 «Время».  
21.40 «Бизнес ревью».  
21.45 «Ишбилармон кишилар».  
22.05 «Юксак технологиялар олами».  
22.15 «Соккер клуб».  
22.35 CF1 тақдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари».  
23.25 «Ахборот» (рус тилида)

24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор».  
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.  
10.40 «30-да спорт».  
11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Кора учбурчак». 3-се-рия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал.  
15.00 Телешоу.

«30-канал»да спорт.  
16.50 «Шоу соати».  
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Шаҳар олифталари олтин излаш йўлида». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Тоғлик – ўлмас қарға». Се-риал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрик-нома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Тирик бомба». 23.15 Спорт дастури.

JUMA

14

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 – 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Инсон ва қонун».  
10.30 «Бинафша ранг шар» Бадий фильм.  
11.45 Мусиқий танаффус.  
12.05 «Спорт, спорт, спорт».  
12.20 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
12.40, 13.55 ТВ анонс.  
12.45 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Супер

лига.  
13.20 «Олам». Телеальманах.  
14.10 Телемулоқот. Хусусийлаштириш: кеча ва бугун.  
14.50 «Труннинг муҳаббати», «Оқ бури». Мультфильмлар.  
15.05 «Мохият».  
15.25 «Фарзанд – умид юлдузи».  
15.50 «Камилла». Телесериал.  
«Болалар сайёраси»: 16.20 «Уйла, изла, топ!» Телемулоқот.  
17.40 «Нурли манзиллар».  
18.10 «Тиббиёт одимлари».  
18.25 Эстрада тарона-лари.  
18.45 «Тафсилот».  
19.05 «Хидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақла-ри.  
20.15 «Долзарб

мавзу».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Муносабат».  
21.40 Бир жуфт кўшиқ.  
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камилла». Телесериал.  
22.20 «Буюк аждодларимиз». Заҳирид-дин Муҳаммад Бобур.  
22.40 «Олмазор». Бадий фильм.  
23.55 «Ахборот-дайжест».  
0.15-0.20 Ватан тимсоллари.  
**«Ешлар» телеканалли**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».  
9.40 «Мультмоша».  
9.55 Давр-интервью.  
10.10 Мусиқий лаҳза-лар.  
10.25 ТВ-анонс.  
10.30 Барҳаёт Бобур.  
10.50 Ешлар овози.  
11.10 «Динозаврлар билан сайр». Теле-

сериал. 4-қисм.  
12.00 Минг бир маслаҳат.  
12.20 «Мерлин». Бадий фильм. 1-қисм.  
13.05 Мезон.  
13.25 Одамлар орасида.  
13.45 Интерфутбол.  
15.25 «Озод юрт фарзандлари».  
15.45 «Андижон-Бобур ватани» («Ўзбектеле-фильм»)  
16.05 Кафолат.  
16.25 ТВ-анонс.  
16.30 Кўрсатувлар дастури.  
16.35 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» «Савол беринг – жавоб берамиз».  
17.05 ТВ-анонс.  
17.10 Кўхна оҳанглар.  
17.25 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 5-қисм.  
18.15 Автосалтанат.  
18.30 Ешлар овози.  
18.50 ТВ-анонс.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ешлик навола-ри.

19.55 Давр нигоҳи.  
20.15 Аскар мактубла-ри.  
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.40 «Мерлин». Бадий фильм. 2-қисм.  
21.30 Фазал соғинчи. Бобур.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесери-ал.  
23.10 «Ешлар» телека-налида спорт дасту-ри: «Ринг қиролла-ри».  
0.10 Давр.  
0.25-0.30 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 80-қисм.  
17.45, 20.30, 22.10 «Экспресс» телегазе-таси.  
18.05 «Хайрли оқшом».  
18.30, 20.00, 21.35,

22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Саодат кали-ти». Ток-шоу. 2-қисм.  
20.50 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл».  
21.55 «Эл хизматида».  
22.55 Кинонигоҳ.  
«Хоним ва қароқчи».  
0.15-0.20 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Халқаро» телеканал**  
Биринчи канал 7.30-9.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Дуненинг янги муъжизаси».  
17.15 «Жаҳон бўйлаб».  
18.00 «Евроњьюс» янгиликлари.  
18.25 Ҳужжатли детектив.  
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.  
19.50 «Муъжизалар майдони».  
21.00 «Время»  
21.35 А. Пугачева, Ф. Киркоров, А. Варум, Л. Агутин «Севиш-ганлар кунига бағишланган концерт

дастурида.  
23.20 «Дурдаршан».  
23.45 «Ахборот» (рус тилида)  
0.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехам-кор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Ҳара-катдаги сайёра».  
11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Хардбол». Саргузашт фильм. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-кана-л»да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-да ринг қиролла-ри. 18.50 Юмор дасту-ри. 19.30 «Ошиқона» мусиқий дастур. 19.45 «Тоғлик – ўлмас қарға». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Голдфингер». 23.15 Спорт дастури.

Shanba

15

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Хидоят сари».  
9.20 «Кушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.  
10.10 «Юрт ўғлонла-ри». Спорт дастури.  
10.25 «Сехрли чирок». Мульт-фильм.  
11.50 Мусиқий танаффус.  
«Болалар сайёраси»: 12.05 «Уйла, изла, топ». Телемулоқот.  
13.25, 15.50 ТВ анонс.  
13.30 ТВ-1 кинотеат-ри: «Юлдузингни, бер осмон». Бадий фильм.  
14.50 «Маърифат». Телеальманах.  
15.10 «Чорраҳа».  
15.30 «Адабий жараён».  
15.55 «Ягона оила-да»  
16.25 «Бадий кенгашдан сўнг».  
16.45 Болалар учун. «Фламинго».

17.10 «Бахтимизга омон бўлинг».  
17.30 «Рангин дунё».  
17.50 «Орзулар қанотида».  
18.10 «Бу ажиб фасл». Телеальма-нах.  
18.30 «Интеллектуал ринг». Телеуини.  
19.05 «Жиз-биз». Ҳажвий хангома.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақла-ри.  
20.15 FCN «Ўзбекис-тон Янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».  
21.25 «Ўзбекистон – Ватаним маним».  
21.45 «Ғап чикди». Телешоу.  
22.25 «Ахборот-дайжест».  
**«Тунги ёғду»: Дам олиш дастури.**  
22.45 «Нигоҳ».  
23.05 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Келиннинг отаси». Бадий фильм.  
0.35-0.40 Ватан тимсоллари.

**«Ешлар» телеканалли**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?» Савол беринг – жавоб берамиз».  
9.30 Табобат оламида.  
9.50 «Давр» нигоҳи.  
10.10 Мусиқий лаҳза-лар.  
10.20 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 5-қисм.  
11.10 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.  
11.30 Оғоҳ.  
11.45 «Мерлин». Бадий фильм. 2-қисм.  
12.30 Ешлар овози.  
12.50 Ринг қироллари.  
13.50 Кутилмаган меҳмон.  
14.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
15.00 Фазал соғинчи. Бобур.  
15.20 «Ешлар» телека-налида спорт дасту-ри: Теннис.  
16.00 Кўрсатувлар дастури.  
16.05 «Янги авлод» студияси: «Буш утирма». «Олтин қалит».  
16.35 «Динозаврлар билан сайр». Теле-сериал. 6-қисм.  
17.25 Ешлик қўшиқла-ри.

17.40 Мозийдан келажакка.  
18.00 Футбол – плюс.  
18.20 Бизнес-акаде-мия.  
18.40 Каталог.  
18.50 ТВ-анонс.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Мусиқий лаҳза-лар.  
19.45 «Давр» – репортаж.  
19.55 Жараён.  
20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар  
20.30 «Мерлин». Бадий фильм. 3-қисм.  
21.15 Оҳанрабо.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 Тунги тарона-лар.  
22.55 «Ешлар» телека-налида премьераси: «Теран томирлар». Бадий фильм. 1-қисм.  
0.20-0.25 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультчархпа-лак».  
17.40 «Жаҳон геогра-фияси».  
18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс» телегазе-таси.  
18.30 «Афиша».  
18.50 Мусиқий лаҳза-лар.  
19.00 «Пойтахт».

Шанбадан-шанбагача (рус)  
19.25 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
20.00 «TV-мадад».  
20.30 «Хусусийлашти-риш: кадам-бақа-дам».  
21.10 «Саодатли лаҳзалар».  
21.45 «Мисли гавҳар».  
22.00 «Нима учун?»  
22.30 Кинонигоҳ.  
«Галгамет». 1-2 қисмлар.  
0.30-0.35 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.15 «Мультсеанс».  
9.30 «Кулгу хонаси».  
10.10 «Лаазат».  
10.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».  
11.05 «CFI янгиликла-ри»  
11.15 Болалар соати: 12.35 «Сирасини айтганда». Ток шоу.  
13.05 «Интер клуб».  
13.45-14.45 «Дустлик» видеоканали: «Биз-нен мирас», «Чин-сэн», «Ўзбекистон-удумий уйимиз».  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 «Бенжамин Франклин: Олим ва кашфиётчи».  
17.30 «Аншлаг».  
18.20 «Ҳазил кетидан

ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.  
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?»  
19.55 «Сунгги қахра-мон-3».  
21.00 «Время»  
21.25 «1.Полонская билан бирга».  
21.45 «Услуб».  
22.00 «Юлдуз билан учрашув».  
22.10 «Хит парад».  
22.30 «Тунги навбат-чилик».  
22.45 «Яшаш восита-си».  
23.00 Киносеанс: «Кабелчи». Бадий фильм.  
0.30 «Ахборот» (рус тилида)  
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 17.40,

20.45 — «Телехам-кор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсе-риал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Жониворларнинг ажойиб олами» Сериал. 12.00 Ойлавий кино. «Уч плюс кино». 13.40 «Дис-кавери соати». 14.30 Хинд киноси: «Чанд-рамукхи». 17.00 Телеуини. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Узга сайёраликлар-2». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Вовочка». Се-риал. 20.30 «Клип-совға». Телетабрик-нома. 21.05 «Хамма-сини эслаш». Се-риал. 22.00 «30-кана-л»да кинооқшом. «То-вон ҳақи». 23.50 Му-сиқий дастур.

Yakshanba

16

**«Ўзбекистон» телеканалли**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак».  
Болалар учун кинодастур.  
9.10 «Ғаройибот».  
9.30 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртақ». Мульт-фильм.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20 «Рақибингиз гроссмейстер».  
11.30 «Алиса ғаройи-ботлар мамлақати-да». Мультфильм.  
12.45 «Иил мактаби-2002».  
13.05 ТВ-1 кинотеат-ри: «Онегин». Бадий фильм.  
14.40 «Кувнок-стартлар». Теле-уини.  
15.25 ТВ анонс.  
15.30 «Барҳаёт наволар».  
15.55 «Ғап чикди». Телешоу.  
16.35 «Дунё эшиқла-ри очилди бизга».  
«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телеви-зион уини.  
17.45 «Туртинчи ҳокимият».  
18.05 «Портретга чизгилар».  
18.25 «Калб гавҳари».  
18.45 «Ок олтин».  
Телелотерея.  
19.15 Бир жуфт кўшиқ.  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)  
20.05 «Кўшигимиз сизга армуғон».  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 «Оталар сўзи – аклнинг кўзи».  
22.15 «Спорт оламида».  
**Якшанба кинозали:**  
22.45 «КиноТеатр».  
23.05 «Буронлар ҳукмдори». Бадий фильм.  
0.35-0.40 Ватан тимсоллари.  
**«Ешлар» телеканалли**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод»

студияси: «Буш утирма», «Олтин қалит».  
9.30 Футбол плюс.  
9.50 Оҳанрабо.  
10.30 «Давр»-репор-таж.  
10.40 «Динозаврлар билан сайр». Телесе-риал. 6-қисм.  
11.30 Очил дастурхон.  
11.55 Лабиринт.  
12.20 «Мерлин». Бадий фильм. 3-қисм.  
13.00 Аскар мактубла-ри.  
13.20 Болалар экрани: «Садоқатли дўстлар». Мультфильм.  
14.35 «Ниҳол» мукофо-ти совриндорлар куйлайди.  
14.50 Қишлоқдаги тенгдошим.  
15.10 Чемпион сирла-ри.  
15.30 Синфдош.  
16.05 Кўрсатувлар дастури.  
16.10 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».  
16.30 «Тақдир йўлла-ри». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.  
17.35 Спорт ҳафтано-маси.  
17.50 «Тақдир йўлла-ри». Телевизион бадий фильм. 2-қисм.  
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр»-news.  
19.20 ТВ-анонс.  
19.25 Ҳандалак – плюс.  
19.30 Ешлик наволари.  
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар  
19.55 «Мерлин». Бадий фильм. 4-қисм.  
20.45 Ҳандалак – плюс.  
20.50 Ватан ҳақида кўшиқ.  
20.55 «Заковат» интеллектуал уйини.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр» ҳафта ичида.  
22.35 ТВ-анонс.  
22.40 Тунги тарона-лар.  
22.50 «Теран томир-лар». Бадий фильм. 2-қисм.  
0.15 – 0.20 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканалли**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».  
19.00, 20.10, 21.25 «Экспресс» телегазе-таси.  
19.20 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
20.00 «TV мадад».  
20.30 «Жаҳон геогра-фияси».  
21.00 «Пойтахт ша-рҳи».

21.45 «TV плюс».  
22.10 Кинонигоҳ.  
«Қаҳрамон».  
23.55-0.00 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Халқаро» телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.35 «Фан тайм».  
9.45 «Инглиз тили Сиз учун».  
10.10 Д. Криловнинг «Иулда ёзилмаган қайдлари».  
10.30 «Хамма уйдали-гида».  
11.15 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.  
12.45 «Парле ву франсе?»  
13.10 «Кувнок инглиз тили».  
13.20 «Хусусийлашти-риш: кадам-бақа-дам».  
13.40 «Экран зийнати ва киймати».  
14.05 FCN «Ўзбекис-тон янгиликлари» (инглиз тилида)  
14.15-15.35 «Дустлик» видеоканали: «Ди-лар», «Маврид».  
«Бағри кенг Ўзбекис-тон», «Корейс тилини уюганамиз».  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 «Бинафша».  
17.25 «Соғинч».

17.40 «Флоренс Найтингел». Мульт-фильм.  
18.05 «Хикоя».  
18.30 «Дунёга назар».  
18.45 «Автострада».  
19.05 Байрам концерти.  
21.45 «7 кун». Ҳафта якуналари.  
22.10 «Тенгдошлар».  
22.40 «Кинопрофи».  
23.00 «Тахлилнома» (рус тилида)  
23.40 Кинематограф.  
«Директор». Бадий фильм.  
1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехам-кор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсе-риал.

10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Ойлавий кино. «Стамбул тран-зити». 13.40 «Дис-ка-вери соати». 14.30 Кундузги кинозал. «Хаммасини эслаш». 16.10 Дам олиш дасту-ри. 16.40 «Яширин камера билан». 17.00 Телеуини. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Бардош беришинг иложи йўқ». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Агент-лик». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совға». Теле табрикнома. 21.05 «Хаммасини эс-лаш». Сериал. 22.00 «30-канал да якшанба кинооқшоми». Тасоди-фий жосус». 23.40 Спорт шарҳи.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали**  
Сиз азизларни 2003 йил 12, 19, 26 март кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдолирига таклиф этади.  
**Савдоларга қуйидагилар қуйидади:**  
«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» қурилиш-монтаж трести, Бўстонлик тумани 2-механизациялашган уйсозлик корхонасига қарашли, Бўстонлик тумани, Хўҷакент қўрғонда жойлашган дам олиш оромгоҳи.  
**Бошланғич баҳоси – 33 040 000 сўм (Ер майдонлари бу баҳога кирмайди).**  
**Бизнинг манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр қўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти бинасининг ўнг қаноти.  
**Мурожаат учун телефонлар:**  
133-28-52, 133-77-18, факс, 133-43-73.



## Теннис

## Тошкент — Дэвис кубоги мезбони

Жорий йилнинг 7-9 февраль кунлари "Ўзбекистон"

**спорт мажмуи теннис кортларида Дэвис кубоги учун Ўзбекистон терма жамоаси Индонезия теннисчилари билан куч синашади.**

Теннисчиларимиз 1900 йилда америкалик Дуайт Дэвис асос солган мазкур турнирда 1994 йилдан буён мустақил жамоа сифатида иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунда қитъанинг етакчиларидан бирига айланган жамоамиз Дэвис кубоги беллашувларини энг куйи поғона — Осиё ва Океания худудининг учинчи гуруҳидан ўзлашган. Биринчи йилнинг ўзида Қатар пойтахти Дохада Бахрйн, Бруней, Ливан, Иордания терма жамоалари бир хил — 3:0 ҳисобида мағлуб этилган, теннисчиларимиз Осиёнинг иккинчи гуруҳига йўлланма олди.

2003 йилги мавсум Ўзбекистон тенниси учун алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, юртимизнинг катта тенниси тарихи Тошкентда биринчи теннис корти барпо этилган сана — 1903 йилдан бошлаб қайд этиб келинади. Демак, бу йил ўзбек теннисининг 100 йиллигидир. Ўзбекистон терма жамоаси бу мавсумда Дэвис кубоги беллашувларидаги иштирокини Индонезия терма жамоасига қарши бошлади.

Пойтахтимиздаги "Шератон-Тошкент" меҳмонхонасида Ўзбекистон-Индонезия учрашувига қуръа ташлаш маросими бўлди. Унга кўра бахсни терма жамоамизнинг иккинчи рақамли ракеткачиси Олег Огородов ва индонезияликлар етакчиси Петер Хондойо бошлаб беради.

Мазкур икки терма жамоа Дэвис кубоги беллашувларида иккинчи бор бақамти келмоқда. Бундан икки йил муқаддам вакилларимиз рақиблари билан Жакартада куч синашган эди. Ўшанда Олег Огородовнинг маҳорати кўл келиб, Ўзбекистон терма жамоаси 3:2 ҳисобида галаба қозонган.

Бу йил Тошкентга келадиган Индонезия терма жамоаси таркибида Петер Хондойодан ташқари Суванди Суванди, Феби Видианто ва Прима Симпатиал бор. Жамоа сардори — Тинтус Арианто Вибойо. Ўзбекистон терма жамоасига тажрибали Вадим Куценко, Олег Огородов, шунингдек, иқтидорли ёшлардан Сарвар Икромов ва Мурод Иноятв жалб этилган. Теннисчиларимизга Абдулхамид Маҳмамов сардорлик қилади.

У.А.

## Болалар спортга эътибор

*Газетанинг аввалги сонларида чоп этилган катор мақолада баён этилганидек, вилоятда болалар спортини давр талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама кенг ривожлантиришга оид Президент фармони ҳамда Вазирлар Маҳмадаси қарорининг ижросига узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсад ва режа асосида киришилди.*

Вилоят ҳокимлигининг тегишли ташкилотлар раҳбарларидан ташкил топган махсус ишчи гуруҳи бир ҳафта давомида бевоқифа жойларга чиқиб, мавжуд спорт базаларининг ҳозирги аҳволини ўрганди. Шу билан бирга аҳолининг, хусусан, 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг спорт иншоотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир туманда ҳам бор имконият ва эҳтиёжлар шу тартибда ўрганиб чиқилиб, болалар спорт базасини эртанги кун талаблари даражасида ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли дастур ишлаб чиқишга киришилди.

Ҳозир вилоятда 631 мингдан зиёд 7-17 ёшдаги болалар ва ўсмирлар бор. Уларнинг қарийб 497 минг нафари ўқув муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт дарсларида мунтазам қатнашади, аксарияти эса, спортнинг 42 тури бўйича мунтазам шуғулланади. Демак, 134 минг нафарга яқин болалар ва ўсмирлар спортга жалб этилмаган. Вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи мавжуд спорт базаларини

## АМАЛИЙ ИШГА КИРИШДИЛАР

тубдан қайта таъмирлаш, қаерда, қандай янги мажмуаларни қуриш режаларини тузишда масаланинг ана шу жиҳатини ҳам эътиборга олмақда.

Айни кунларда вилоят туманларида узоқни кўзлаб спорт мажмуаларини барпо этиш дастурини ишлаб чиқиш билан бир вақтда мавжуд спорт иншоотларини тартибга келтириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Маълумки, Паркент полвонлар юрти ҳисобланади. Кейинги йилларда эса, бу минтақада спортнинг бошқа турлари ҳам ривожланиб бормоқда. Жумладан, тумандаги «Бойқозон» ширкат хўжалигида замонавий спорт мажмуи қуриб битказилди. «Гул-

боғ» ширкат хўжалигида эса, болалар учун ўйингоҳ барпо этишга киришилди.

Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли ширкат хўжалигидаги ўйингоҳни қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Вилоят туманларида мавжуд спорт иншоотлари тубдан таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланмоқда. Хусусан,

лари жадал олиб борилмоқда. Бунинг учун 1 миллиард 60 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, айни кунларда республика шаҳарсозлик лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтида вилоятда болалар спортини ривожлантириш мақсадида қуриладиган янги спорт мажмуаларининг лойиҳалари тайёрланмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда вилоятдаги деярли



Бўка туманидаги Саймоқов номли хўжалигининг ўйингоҳ, сув спортни ҳаваси, мерганлик тири ва спорт залидан иборат мажмуасини жаҳон андозалари талаблари асосида таъмирлаш режаси тузилмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» спорт мажмуасини бугунги кун талабига мослаб таъмирлаш иш-

барча корхона ва ташкилотлар жалб этилиб, жамғармага 2003 йил учун 1 миллиард 50 миллион сўм маблағ ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

**Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
**мухбири.**

## Футбол

## Чемпионатга қуръа ташланди

*Ўтган йили Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган эди.*

Куни кеча Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу-Дабида шу йил 25 март — 16 апрель кунлари ўтказиладиган ёшлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Чемпионат қуръа натижасига кўра "А" гуруҳидан жой олган мезбонлар ва Словакия ёшлар терма жамоаси ўртасидаги беллашув билан бошланади. Бу гуруҳда мазкур икки мамлакат терма жамоасидан ташқари, Панама ва Буркина-Фасо футболчилари ҳам бор.

Жаҳон чемпионати финал қисмида илк бор қатнашаётган футболчиларимизга "В" гуруҳида анчагина жиддий рақиблар рўбарў бўлади. Виктор Борисов шогирдлари гуруҳ босқичидан муваффақиятли ўтиши учун Аргентина, Испания ва Мали футболчиларига қарши муносиб ўйин кўрсатиши лозим.

Бразилия, Канада, Чехия ва Австралия ёшлар терма жамоалари эса кейинги босқичга чиқиш масаласини "С" гуруҳида ҳал этади. Осиёнинг яна бир

вакили — Япония қитъамиз шарафини "D" гуруҳида химоя қилади. Японияликлар Колумбия, Миср ва Англия ёшларига қарши майдонга тушади.

Араб мамлакатлари ичида



**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси.**

## Шоҳмот

## ДОНАЛАРИНИ ОРАЛАБ...

*Республика шоҳмот клубида Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. 10 кун давом этган чемпионатда 66 шоҳмотчи қатнашди. Уларнинг 70 фоизи ёшлардан иборат.*

Мусобақалар швейцарча усулда ўтказилди. Спорт усталигига номзод Евгений Ханин 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, шаҳар чемпионига айланди. Иккинчи ўринга спорт усталигига номзод Элдор Исмоилов 7 очко билан сазовор бўлди. 3, 4, 5-ўринларни 6,5 очко тўплаган спорт усталигига номзодлар Игор Яравой, Сергей Федяшин, Аҳмад Бобоев, Жасур Маждидов, Александр Касьян тақсимлаб олишди. Ҳафтанинг 15 февралда бошланажак Ўзбекистон биринчилигида иштирок этишади.

**Хурида НАЗАРОВА.**



## Шифокор маслаҳати



Зулхумор оғир дардга чалинди. Шифокорлар қанча ҳаракат қилишмасин, боланинг соғлиги орқага кетаверди. Шифокор унинг онасидан сўради.

— Болани эмизасизми?  
— Йўқ, сутим кетиб қолган. Шунинг учун сунъий овқатлантираман, — деди Дилфуза.

— Тушунарли, болангизнинг ошқозонига инфекция тушган. Эмизмас экансиз, даволаш мушкул.

Шифокор айтганидек бўлди. Зулхумор 8 ойлигида дунёдан кўз юмди. Дилфуза эса, фарзанд доғида ич-этини еган кўйи шифокорлардан эшитган она сутининг хусусиятлари ҳақида ўйларди.

Бола учун она сuti — бебаҳо. Шунинг учун ҳам ҳар бир она ўз

фарзандини эмизиб катта қилиши лозим.

Она сuti бола учун ҳам, она учун ҳам ниҳоятда зарур. Болани эмизиш онанинг соғлигига ижобий таъсир кўрсатади ва аёлларда учрайдиган сuti бези ва тухумсимон ўсимталардан сақлайди. Она сuti боланинг оксил, ёғ, углевод, витамин, минерал моддаларга ва сувга бўлган талабини қондиради. Бундан ташқари, она сутини эмизиб катта бўлган фарзанднинг иммунитетини кучли бўлади. Сут таркибида микроб ва вирусларга қарши курашадиган моддалар чақалоқни турли юқумли касалликлардан асрайди. Она сuti ошқозон-ичак деворларини мустаҳкамлайди ва бола учун жуда зарур бўлган кальций моддасининг сўрилишига ёрдам беради,

рахит касаллигининг олдини олади.

Ҳар бир она ўз боласини 2 ёшгача эмизиши шарт. 6 ойлик бўлгунча қадар эса фақат кўкрак сuti билан катта қилиши керак.

Аввалом бор, эмизикли она овқати таркибида сuti, қатик, гўшт маҳсулотлари, сабзавот ва ҳўл мевалар етарли бўлсагина, кўкрак сuti сифатли бўлади.

Болани қанча хоҳласа шунча эмизинг. Лекин, кундузи 8, кечаси 4 мартадан камайтирманг. Бола қанчалик тез-тез ва узоқроқ эмса, онада сuti ҳосил бўлиши шунча ортади.

Иккинчи кўкракни тутмасдан олдин биринчисини охиригача эмизиш керак, шунда бола ёғга бой бўлган, қувватли сuti эмади.

Бола 6 ойлик бўлгунча бошқа турдаги сuti, ширин чой, шарбат

ва бошқа суоқликлар берманг, чунки улар болани кам эмизга ва оқибатда кўкракдаги сuti микдорининг камайишига олиб келади.

Асосийси, она сутидан болага меҳр-оқибат ҳам ўтади.

Шунинг учун, она сутини эмган бола, ота-онага меҳрибон бўлади, дейишади.

Фарзандим ақлан расо, жисмонан бақувват ва руҳан тетик, меҳрибон бўлиб вояга етсин десаңгиз, она сuti билан эмизинг!

Она сuti — бебаҳо неъматдир!

**Фарида КОМИЛОВА,**  
**Республика «Саломатлик»**  
**институти Тошкент**  
**вилоят филиалининг**  
**шифокор-услуҳчиси.**



# XVII asr va dunyo

Mamlakatlار  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## АФРИКА:

### ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ ЙЎЛИДА

Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада Африка иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдан ташқари саммити бўлиб ўтди. Анжуманда асосий эътибор қитъада барқарорлик ўрнатишга қаратилди.

Саммитда Кот-д'Ивуардаги сиёсий инқирозга барҳам бериш, анчадан буён низолашаётган Конго Демократик Республикаси, Судан ва Бурундида тинчлик ўрнатиш, Африка давлатларининг интеграциялашув жараёнини жаддалаштириш каби масалалар муҳокама этилди.

## ҲИНДИСТОН:

### СЎРОҚСИЗ КИРГАНИ УЧУН

PATA-TASS ахборот маҳкамаси хабар беришича, куни кеча Ҳиндистон қуроли кучлари Покистоннинг учувчисиз бошқариладиган жосус самолётини уриб туширган. Хабарда айтилишича, самолёт Жамму ва Кашмир вилоятидаги ҳаво ҳудудига сўроқсиз кирган.

Маълум бўлишича, самолёт икки давлат чегараси туташган ҳудудга кулаб тушган. Ўтган ҳафта Покистон қуроли кучлари қўшни мамлакат самолётини уриб тушурганди. Кузатувчилар ушбу воқеани Ҳиндистоннинг Покистонга жавоби сифатида баҳоламоқда.

## МАЛАЙЗИЯ – СИНГАПУР:

### ХАЛҚАРО СУДГА МУРОЖААТ

Малайзия ва Сингапур Халқаро судга Сингапур бўғозидан жойлашган Педра-Бранка оролининг ҳуқуқий мақомини аниқлаб беришни сўраб мурожаат қилаётир. Малайзия чегарасидан 15 километр наридаги бу орол анча пайтдан буён икки мамлакат ўртасида низога сабаб бўлаётир.

Ҳозир орол Сингапур томонидан бошқарилади. Бу эса Малайзиянинг норозилигига сабаб бўлаётир. Авваллари оролдаги фойдали қазилмалар сабабли жанжал чиқарди. Бу галги ихтилофга ҳаво ҳудуди сабаб бўлди.

## ЯҚИН ШАРҚ:

### ВАЗИЯТ ЧИГАЛЛАШМОҚДА

Яқин Шарқда вазият чигаллашмоқда. Куни кеча исроилликлар яшаётган Наблус шаҳрида отишма юз берди. Маълумотларга қараганда, икки нафар фаластинлик икки нафар исроилликни отиб ўлдирган. Яна бир киши яраланган.

Куни кеча Исроил аскарлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида беш нафар фаластинликни отиб ўлдирганди. Наблусдаги террорчилик ҳаракати учун жавобгарликни «Фаластин озодлиги халқ fronti» ўз зиммасига олган.

## ЮГОСЛАВИЯ БАРҲАМ ТОПАДИ

Жаҳон сиёсий харитасида янги давлат пайдо бўлмоқда

Югославия республикалари иттифоқи давлат сифатида тугатилмоқда. PATA-TASS ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, сешанба куни Югославия Скупшинасида (парламент) Сербия ва Черногория давлатлари ҳамжамиятини тузиш бўйича конституциявий хартия қабул қилишга киришилган. Ушбу ҳужжатга биноан, Болқонда майдони 102 минг квадрат километрни ташкил этувчи, 10 миллион нуфусли Югославия ўрнида янги давлат пайдо бўлиши керак.

Шундай қилиб, 1929 йили пайдо бўлган Югославия атамаси жаҳон сиёсатидан ўчирилади.

# БМТ: ИРОҚ МАСАЛАСИ ЯНА МУҲОКАМАДА

*БМТ Хавфсизлик кенгашида махсус мажлис чақирилди. Унда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ироқ ҳамон халқаро ҳамжамиятни чалғитаётгани, аслида Бағдод оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқараётганини аниқ далиллар билан исботлаши керак эди.*

Колин Пауэллнинг далиллари ишонарли бўлса, Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари АҚШнинг Ироққа қарши уруш очишини қўллаб-қувватлаши турган гап эди. Воқеалар ривожига назар ташланадиган бўлса, АҚШ давлат котибининг келтирган далиллари унчалик етарли эмас.

Колин Пауэлл келтирган маълумотларда айтилишича, Ироқда биологик қурол ишлаб чиқарувчи камида еттита кўчма лаборатория мавжуд. Давлат котиби ўз сўзларини исботлаш учун 18 юк машинасида жойлашган лабораториянинг суратини ҳам намойиш этди.

Колин Пауэлл Ироқнинг кимёвий қурол ишлаб чиқараётгани ҳақида ҳам маълумот берди. Унинг сўзларига қараганда, Эрон билан урушдан кейин Ироқда минглаб бомбалар қолиб кетган. Уларга кимёвий моддалар жойлаштирилган. Ўтган ойда халқаро нозирлар топган 12 дон ачи бўш бомба ушбу маълумотлар учун далил бўла олади.

Давлат котибининг маълумотларида айтилишича,

Ироқ айна пайтда ядровий қурол ишлаб чиқаришнинг охириги босқичида турибди.

Колин Пауэлл ўз сўзини яқунлар экан, АҚШ Ироқнинг халқаро ҳамжамиятни ҳамон алдаётганига, аслида у оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқараётганига шубҳа қилмайди, деди.

БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзолари АҚШ давлат котибининг берган маълумотларини диққат билан тинглади. Бироқ уларнинг аксарияти, ушбу маълумотлар халқаро нозирларга берилиши ва жуда синчиклаб ўрганилиши лозим, деган фикрни билдирмоқда. Ҳозирча фақат АҚШ ва Буюк Британия Ироқнинг 1441 резолюция талабларини бажармаяпти, деган қатъий фикрда турибди.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси ҳисобланган учта давлат – Хитой, Франция ва Россия эса халқаро нозирларнинг ўз ваколатидан тўла фойдаланиши учун, уларга кўпроқ вақт берилиши лозимлигини айтмоқда. Бир сўз билан айтганда, мазкур давлатлар Ироқ муаммоси фақат БМТ Хавфсизлик кенгаши иштирокида, сиёсий музокаралар ёрдамида ҳал этилиши тарафдори эканини намойиш қилаётир.

БМТ бош котиби Кофи Аннанинг таъкидлашича, Бағдод халқаро нозирлар билан янада фаолроқ ҳамкорлик қилиши ва халқаро ҳамжамиятнинг талабларини тўлиқ бажариши лозим. Шундагина урушнинг олдини олиш мумкин. Кофи Аннан ўз сўзини яқунлар экан, БМТ нозирлари халқаро ҳамжамиятнинг талабини бажариш учун ҳафтанинг охирида яна Бағдодга йўл олишини таъкидлади.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.



Лондон.

## РАҚОБАТДАН ЖАБР КЎРМОҚДА

Жаҳон уяли алоқа тизими гигантларидан бири бўлмиш Ericsson компанияси 2002 йилни катта зарар билан яқунлагани маълум бўлди.

Инқирозга учраётган компания муаммони ҳал этишни ходимлар сонини камайтиришдан бошлади. Ҳар ўннинг ходим бўшатилмоқда. Айна пайтда компания сафида Швециянинг ўзида жами 7,100 киши ишлайди. Шу билан бирга, компаниянинг 22 мингдан зиёд муҳандиси жаҳоннинг 25 мамлакатидан хизмат кўрсатади. Уларнинг аксарияти иш ўрнини йўқотишдан қўрқмайди. Чунки, улар компанияга ҳар йили 3,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф даромад келтиради.

Ҳисоботда кўрсатилишича, ўтган йил охирида Ericsson маҳсулотлари савдоси 23 фоиз камайган.

Бугунги кунда компанияга Nokia, Motorola, Samsung ҳамда Siemens компаниялари асосий рақиб бўлиб турибди. 1876 йили Ларс Магнус Эрикссон томонидан ташкил этилган компания ҳозирча қийин аҳволга тушган бўлса ҳам, алоқа бозорида ўзининг етакчилигини қўлдан бой берганича йўқ. Ҳисоб-китобларга кўра, сайёрамиздаги ҳар иккинчи кўнғироқ мазкур компания аппаратлари орқали амалга оширилади.



## ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНГАН ЯГОНА МАМЛАКАТ

Ер шарининг энг мўъжаз давлатларидан бири бўлмиш Бутан қиролигида чекиш тақиқлаб қўйилди. Ҳукуматнинг янги қарори аҳоли орасида норозилик уйғотган бўлса-да, бутанликларнинг аксарияти унга жиддий эътибор бермаяпти. Гап шундаки, аҳоли яширинча чекишга кўникиб қолган.

Қироликда йигирмата вилоят бўлиб, уларнинг ўн саккизтасида чекиш ҳамда тамаки маҳсулотлари савдоси тақиқланган. Тамаки сотаётиб кўлга тушганларга аёвсиз чора кўрилади. Илк бор жиноят устида ушланган одам фақат оғохлантирилади. Иккинчи бор тамаки сотган кишига катта миқдорда жарима солинади. Шундан кейин ҳам ўз фаолиятини давом эттирган киши билан полиция маҳкамаси гаплашади. Бутанда фақат тамаки истеъмоли тақиқланмаган. 1999 йилда телевидение ҳам ёпиб қўйилган эди. Шунга қарамай, одамлар қўшни мамлакат телеканалларини хуфёна кузатиб боради.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## КУТИЛМАГАН САВДОЛАР

Лондонда ташкил этилган «Кристис» тасвирий санъат асарлари аукционидан кутилмаган савдолар бўлиб ўтмоқда. Француз рассоми Пьер Боннарнинг «Канн тонги» номли асари 7 миллион долларга сотилди. Салвадор Далининг «Бокира» асари унчалик машҳур эмас. Шу боис ҳам мазкур асар анчадан буён Лос-Анжелесда чоп қилинадиган «Плейбой» журнали коллекциясида сақланар эди. «Кристис» аукционидан ушбу асар ҳам 2,22 миллион доллар эвазига ўз харидорини топди.





# ИЙД ҚУРБОН МУБОРАК!

**Ийд Қурбон** — Қурбон ҳайити ислом оламида энг табаррук айёмлардан ҳисобланади. Она диёримиз — Ўзбекистондаги барча мўмин-мусулмонлар ана шу муборак кунларга етиб келганликларига шукроналар айтиб, байрам қиладилар.

Шу куни хонадонларимизда, маҳалларимизда, қишлоқ ва шаҳарларимизда файзу барокот таровати жўш уради. Юртдошларимиз қалби меҳр-саховатга, эзгуликка, ҳамият ва оқибатга эврилиб, савоб амалларини бажарадилар. Пири-бадавлат отахонлари мунис онахонлар, опа-сингилларимиз, баркамол йигит-қизлар, хушчақчақ ва шўх-шаддо болаларнинг юзларида табассум, дилларида қувонч барқ уради. Чунки, эркинлик ва эзгулик, тинчлик ва осойишталик, биродарлик ва тотувлик, маъмурчилик ва фаровонлик барқарор бўлган юртдагина ана шундай муҳит ҳукм суради.

Ийд Қурбон ҳайитини энг аввал, меҳр-оқибат, поклик,

озодалик, саховат байрами сифатида кутиб олаяпмиз. Шу сабабли ҳам ушбу айём арафасида ҳамма жойда атрофни саранжом-сарийшта қилишга алоҳида эътибор берилади.

Ҳайит намозидан кейин ота-

оналарни зиёрат қилмоқлик, катта-кичikka тухфалар улашмоқлик, қариндош-уруғлар, қўни-қўшниллар, беморлар кўнглини сўраш беҳисоб ажру савобга айланади. Бу айёмнинг яна бир хислати шундаки, унда тириклар қадрланади, оламдан ўтганлар эса хотирга олинади. Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганликлари солиҳ амалларнинг энг улуғларидан бири бўлди десак, янглишмаймиз. Она-Ватанга садоқат, миллатпарварлик, элулусга мурувват ва оқибат кўрсатишдек олижаноб фазилатлар фақатгина обод ва озод маҳаллаларимизда ўз ижобатини топади.

Қурбон ҳайитининг ўзига хос томонларидан яна бири мусулмонларнинг Ҳаж зиёратини



## Арафа

амалга оширишларидир. Бу борада ҳам мустақиллик йилларида жуда катта имкониятлар очилди. Президентимизнинг Фармонлариغا биноан ҳар йили бу муборак сафарга отланганларга янги-янги имтиёзу қулайликлар яратилмоқда. Айни кунларда минг-минглаб ватандошларимиз ҳам Байтуллоҳ — муқаддас Каъбани тавоф этиш амалларини бажармоқдалар. Уларга Аллоҳдан Ҳаж амалларини тугал ўташликни ҳамда ўз она юртига эсон-омон қайтиб келишларини тилаб қоламиз.

Ҳайит кунларида эл-юртда кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга ёрдам бериш, маҳалладошларга хайрия эҳсонлар улашиш ана шу муборак айём хислатларидандир. Ҳаммамизга тинчлик, осойишталик, хотиржамлик сониялари ёр бўлаверсин!

«Тошкент ҳақиқати» жамоаси ўз муштарийларини, уларнинг оила аъзоларини муқаддас айём билан астойдил қутлайдилар. Ҳаммамизга инсофу тавфиқ, соғлиқ-омонлик насиб қилаверсин.

## Bolalik bog'i

# HIYLAGARNING JAZOSI (Jumboq ertak)

Qadimda bir savdogarning ayyori eshagi bor ekan.

Kunlardan bir kun savdogar daryodan o'tayotganda uning eshagi qoqilib suvga yotib qolibdi. Qarasa yuki ancha yengil bo'lib qolibdi.

Vaqt o'tib yana bir kun savdogar o'sha daryodan o'ta boshlabdi. Eshak o'tgan safargi voqeani eslab, bu gal ham atayin suvga yotib olibdi. Bu safar ham uning yuki yengillashibdi.

Ammo savdogar eshakning hiylasini payqab qolibdi va uni yaxshilab jazolamoqchi bo'libdi. Keyingi gal eshakka boshqa yuk ortibdi. «Bir amallab daryoga yetib borsam bas, yukimni yengillashtraman», deb o'ylabdi eshak.

Eshak daryoga yetib, avvalgi odatini takrorlabdi. Lekin u qancha urinsa ham o'rnidan tura olmabdi. Ustidagi yuki yengillashish o'rniga juda ham og'ir bo'lib, hatto qimirashga ham holi kelmabdi.

Qani toping-chi, savdogar eshakka avval nima yuklagan edi-yu, keyin nima yukladi?

**K. EGAMBERDIEVA tayyorladi.**

ЎЗА.

## Леонардо да Винчи ижодига бағишланди

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида италиялик буюк rassom, ҳайкалтарош, аллома Леонардо да Винчи таваллудининг 550 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Рассом ижодининг гуллаб-яшнаши — Европа Уйғониш даври, Шарқда эса теурийлар салтанатида илм-фан, санъат рав-

нақ топган даврга тўғри келган. Зеро, Шарқдаги бу юксалиш Фарб зиёлилари, rassomларининг ижодига ҳам ўзига хос таъ-

сир кўрсатмай қолмаган. Бу таъсирни Леонардо да Винчининг фаолиятида ҳам сезиш мумкин.

Леонардо да Винчи ижодининг асосий қисмини тасвирий санъат асарлари ташкил этади. У XV асрнинг 70-80-йилларида, айниқса, ўзининг энг машҳур асарларини яратган. Дунёнинг машҳур галереяларини беэаб

турган "Гул тутган Мадонна", "Ваҳий", "Жаконда" номи билан донг таратган "Мона Лиза" портрети каби кўплаб картиналари шулар жумласидандир.

Анжуманда "Шарқ ва Фарб: маданиятлар муштараклиги", "Уйғониш даврининг буюк арбоби" каби мавзулардаги маърузаларда италиялик rassomнинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди.

# СКАНВОРД

						Оданг		Гина, одоват
	«... тикан кирмас» (мақоля)	Тизим (русча)	Тўйиб, мириқиб	Бугундан олдинги кун				Тўртдан бири
			Тезда ўтиб кетадиган	Япониядаги шаҳар				
	Қайғу, гам						Шприц орқали дори юбариш	
	Чумчуқ-симон сайроқи қуш					Машина деталли		
	Кўпикланувчи моддага бой илдиз					Ким ўзди мусобақаси		
	«Хазонин» ул...» (Асар)	Жўхори-нинг донли ўзаги					Россия президенти	
		Белги-ланган, мусйян	Дурод-горлик асбоби					
	Ҳайити таъбир-диган гишар, тур			Шарт боғлов-чиси	Хонадон		Муסיкий нота	
	Ун икки бурждан бири	Меёр (русча)	Шимолдо-ли қалин ўрмон зонаси				Қирғиз-истон-даги шаҳар	
				Франция даги дарё				

Тузувчи: Акрамжон ХУЖАМОВ.

## Халқ табобати

Қора зира меваларидан сувда тайёрланган қайнатмаларини тинчлантирадиган, меъда ширасини кўпайтирадиган восита тариқасида ишлатилади. Уруғлари ва танасининг ер устки қисмидан тайёрланган дамламаларини гастрит, қорин огриги, ичкетар маҳалида, камқонлик, холецистит касалликларида, қорин дам бўлган маҳалларда ишлатилади.

Ибн Сино қора зира овқат ҳазмини яхшилаб, қусишни тўхтатади, мевасининг қайнатмаси ичак огриқларини бартарф этади, деб ҳисоблаган.

Тибет табиблари эса, қора зира уругини одам захарланиб қолган маҳалларда, моддалар алмашинуви издан чиқи-

## ҚОРА ЗИРА

ши билан ўтадиган касалликлар, неврозлар, кўз хасталиклари, ўсмага қарши ишлатишади.

Қора зирадан олинадиган эфир мойи микробларга қарши таъсир қилади, огриқни қолдирадиган, тортишиб, қисқариб турган мускулларни бўшаштирадиган хоссаларга эга. Ҳазм йўли безлари фаолиятини кучайтириш учун замонавий табобатда қўлланилади.

Тайёрлаш усуллари: 1. Иштаха очиш учун пичоқ учиди зира уругини олиб, овқатдан 1 соат олдин сув билан ичилди. 2. Овқат ҳазмини яхшилаш учун 1-2 томчи зира эфир мойини қандга томизиб, қунига 2-3 маҳал истеъмол қилинади.

## Энг улкан шаршара

Венесуэладаги Анхел Фоллз шаршараси экан. Бу ерда сув 979,6 метр баландликдан отилиб тушади.



## Кулганга Нима Етсин!

А ф а н д и кўчага чиқиб кетаётиб, уйда узугини тушириб қўйди. Уй қоронғу бўлгани учун кўчага чиқиб ахтара бошлади. Йўлдан ўтиб кетаётган бир киши Афандидан:

— Афанди, нима ахтараёпсиз? — деб сўради.

— Уйда узугим йўқолиб қолган эди, шуни қидиряпман, — жавоб берди у.

— Уйда йўқолган нарсани кўчадан ахтарадими, киши.

— Қизиқмисиз, уй қоронғу бўлгандан кейин кўчада ахтармай, қаерда ахтарай? — деди Афанди.



«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 15 февраль куни чиқади.

TOHKENT HAQIQATI
Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.
Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳриривти компьютер марказида терийди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.